

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧОРИЕВА ФЕРУЗА ЭШНАЗАРОВНА

**ТРИГЕМИНАЛ НЕВРАЛГИЯ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
ПСИХО-ЭМОЦИОНАЛ БУЗИЛИШЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ДАВО
МУОЛАЖАЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) Диссертациясия автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Чориева Феруза Эшназаровна

Тригеминал невралгияли беморларда психо-эмоционал бузилиш
ҳолатларини аниқлаш ва даво муолажаларини
оптималлаштириш..... 3

Чориева Феруза Эшназаровна

Выявление психоэмоциональных расстройств у пациентов с
тригеминальной невралгией и оптимизация лечебных
мероприятий..... 23

Chorieva Feruza Eshnazarovna

Identification of psychoemotional disorders in patients with trigeminal
neuralgia and optimization of therapeutic interventions..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЧОРИЕВА ФЕРУЗА ЭШНАЗАРОВНА

**ТРИГЕМИНАЛ НЕВРАЛГИЯ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
ПСИХО-ЭМОЦИОНАЛ БУЗИЛИШЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ДАВО
МУОЛАЖАЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Тиб2119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайдаров Нодиржон Кадинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Якубова Мархамат Миракромовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ўринов Мусо Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Тиб.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 214-82-90, info@tma.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нейропатик оғриқлар соғлиқни сақлаш тизими олдида турган жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аҳолининг тахминан 7–10 фоизи турли шаклдаги нейропатик оғриқлардан азият чекиши мумкин. Улар орасида энг оғриқли ва қийин даволанадиган ҳолатлардан бири бу тригеминал невралгиядир. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, тригеминал невралгияли беморларнинг катта қисмида депрессия, хавотир, уйқусизлик каби психо-эмоционал бузилишлар юзага чиқади. Бу эса касалликни даволаш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Хусусан, доимий оғриқ синдроми билан яшаш беморларнинг ҳаёт сифатини кескин пасайтиради. Шу боис, тригеминал невралгияни фақат оғриқни бартараф этишга қаратилган усуллар билан эмас, балки психо-эмоционал ҳолатни баҳолаш ҳамда комплекс ёндашув асосида даволаш долзарб аҳамият касб этади. Бугунги кунда ушбу йўналишдаги тадқиқотлар етарлича эмас, айниқса, маҳаллий популяцияда психо-эмоционал ҳолатни баҳолаш ва шу асосда даво муолажаларини индивидуал равишда оптималлаштиришга эҳтиёж юқори.

Жаҳонда тригеминал невралгия билан боғлиқ оғриқ синдроми ва унинг психо-эмоционал оқибатларини тушунишга қаратилган комплекс тадқиқотлар фаол равишда ўрганилмоқда. Ривожланган давлатларда ушбу ҳолатга мультимодал ёндашув яъни, оғриқни камайтириш, психоэмоционал статусни баҳолаш ва когнитив терапия элементларини жорий қилиш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Айрим марказларда функционал МРТ ва нейропсихологик тестлар орқали беморларда асаб фаолиятининг ўзгаришлари таҳлил этилмоқда. Бу каби тадқиқотлар тригеминал невралгиянинг фақат нейрофизиологик эмас, балки психоген механизмларини ҳам чуқур англашга хизмат қилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда тригеминал невралгия билан оғриган беморларнинг депрессив ҳолатлари, хавотир даражаси ва ҳаёт сифатини стандарт шкалалар орқали баҳолаш амалиёти кенг қўлланилмоқда. HADS (Hospital Anxiety and Depression Scale), BDI (Beck Depression Inventory) ва STAI (State-Trait Anxiety Inventory) каби шкалалар ёрдамида беморларнинг руҳий ҳолати аниқланиб, даво муолажаларини шунга мос равишда шакллантириш алоҳида касб этмоқда.

Мамлакатимиз сўнгги йилларда тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш, хусусан турли неврологик касалликларни самарали ташхислаш, даволаш ва уларнинг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда замонавий диагностика усулларини жорий этиш, инновацион даволаш технологияларини клиник амалиётга татбиқ қилиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда тиббий инфратузилмани такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада 2022–2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” доирасида белгиланган устувор йўналишлар соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга хизмат қилмоқда. Ушбу стратегияда « аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга олиб чиқиш; соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш; аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш; тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш; бирламчи

тиббий-санитария ёрдами сифатини яхшилаш»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Мазкур ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда неврологик касалликлар, жумладан, тригеминал невралгия каби оғриқ синдромлари билан боғлиқ касалликларни эрта ташхислаш, самарали даволаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалий аҳамияти ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон, “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон фармонлари, “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сон, “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон ва “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга оид тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро тадқиқотлар натижаларига кўра, тригеминал невралгия (ТН) — юз соҳасидаги кучли, пароксизмал оғриқлар билан тавсифланувчи ва ҳаёт сифатини жиддий равишда пасайтирувчи сурункали неврологик касалликлардан бири ҳисобланади (Hall et al., 2016). Турли манбаларда қайд этилишича, ТН тарқалиши ҳар йили 100 000 аҳолига 4,5–13 ҳолатгача етиши аниқланган. Швециядаги Uppsala тадқиқотларида инцидентс 5,5/100 000 (аёлларда 7,3, эркекларда 3,7) деб баҳоланган. Жанубий Корея таҳлилларига кўра (Lee Y.J. et al., 2021), 2018 йилда ТН ҳолатлари 100,21/100 000 аҳолига етган, бу ерда аёллар ва эркеклар ўртасидаги нисбат 1:2,14 бўлган. Ўзбекистонда ҳам (Жўраева Д.Н., 2016) аёлларда эркекларга нисбатан тахминан 1,5–3:1 нисбатда учраши қайд этилган.

ТНнинг патогенези ҳалигача тўлиқ аниқ эмас, бироқ кўпгина тадқиқотларда унинг асосий сабаби сифатида нейроваскуляр конфликт, яъни тригеминал нерв илдизининг артерия ёки вена томонидан узоқ муддат босилиши кўрсатилади (Devor M. et al., 2017). Бу ҳолат MRI ёрдамида ТН ҳолатларининг 75% гача қисмида аниқланган. Сиқилган томирлар демиелинизация жараёнларини рағбатлантириб, оғриқ импульсларининг ноқонуний равишда тарқалишига олиб келади. CFD таҳлиллари нейроваскуляр контакт жойида WSS ва WSSR

кўрсаткичларининг ошганини, яъни сиқилган артерия томонидан нейронларга кучли механик таъсир мавжудлигини кўрсатган (Ismail ва бошқ., 2024). ТНнинг турлари орасида классик (бирламчи) ва иккиламчи шакллари ажратилади. Классик ТНда оғриқ одатда тригеминал нервнинг иккинчи ва учинчи шохларида учрайди, биринчи шохи жуда кам ҳолларда зарарланиши аниқланган (МКГБ-3, 2018). Консерватив терапияда биринчи даражали восита сифатида антиконвулсантлар, хусусан карбамазепин тригеминал нерв илдизининг гиперэксциتابиллик ҳолатини пасайтиришини аниқлаган (Obermann M., 2021). Бирок, 30–40% беморларда ушбу препаратларга толерантлик ривожланиши ёки ноўй таъсирлар сабабли қабулни тўхтатиш ҳолатлари қайд этилган (Nasir S.A. ва бошқ., 2017). Консерватив терапия самарасиз бўлганда, жарроҳлик аралашувлар амалга оширилади. Улар орасида микроваскуляр декомпрессия (МВД) энг самарали ҳисобланиб, 5 йиллик давр мобайнида 70–80% ҳолатларда оғриқдан тўлиқ халос бўлишга эришиш мумкин (Мирзаев А.У., 2020; Otávio T., 2016.).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ТН учун умумий стандарт терапевтик ёндашув ҳалигача мавжуд эмас. Ҳар бир беморда индивидуал ҳолат, касаллик тури ва патогенетик механизмига қараб, дифференциал ташхис ва комплекс муолажа тактикасини белгилаш талаб этилади (Wang Y. ва бошқ., 2017.).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011900252-сон «Неврологик касалликлари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш усуллари тақомиллаштириш (2021-2024 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тригеминал невралгия билан оғриган беморларда психоэмоционал ҳолат ўзгаришларини комплекс баҳолаш, нейроиммунологик механизмларни таҳлил қилиш, шунингдек, замонавий клиник-нейрофизиологик ва лаборатор кўрсаткичлар асосида самарали диагностик ёндашувларни аниқлаш ва даволаш тактикасини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тригеминал невралгия билан оғриган беморларда клиник неврологик статус ва психоэмоционал ҳолат ўзгаришларини аниқлаш ва баҳолаш;

электрнейрофизиологик ва нейровизуал диагностик усуллари асосида тригеминал нерв фаолияти ҳамда бош мия функцияларидаги ўзгаришларни ўрганиш ва нейрофизиологик кўрсаткичларни таҳлил қилиш;

клиник неврологик, нейрофизиологик ва иммунологик маълумотларни комплекс таҳлил қилиш орқали самарали диагностик мезонни шакллантириш;

тригеминал невралгияни даволашда индивидуаллаштирилган ва интегратив даволаш тактикасини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021 йилдан 2023 йилгача Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси марказий поликлиникасида тригеминал невралгия ташхиси қўйилган 114 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлардан қон зардоби намуналари, умумклиник, неврологик, инструментал, биокимёвий, иммунологик текширув натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида ТНли беморларда анамнестик ва клиник маълумотлар таҳлили, нейрпсиходиагностик тестларни ўз ичига олувчи неврологик текширув, нейрофизиологик тадқиқотлар (ЭЭГ, ЭНМГ), нейровизуал тадқиқотлар (МРТ), қон зардобида яллиғланиш цитокинларнинг таркиби (IL-1 β , IL-8, TNF- α) ва вазоактив модда — эндотелин-1 ҳамда, статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

клиник, психометрик ва лаборатор таҳлиллар асосида тригеминал невралгия билан оғриган беморларда психоэмоционал ҳолатнинг оғриқ синдроми билан марказий ноцицептив тизимдаги ўзгаришлар ва узоқ муддатли оғриқ эпизодлари келтириб чиқарадиган руҳий дезадаптация орқали корреляцион боғлиқлиги исботланган;

тригеминал невралгия билан оғриган беморлар гуруҳида яллиғланиш билан боғлиқ биокимёвий биомаркерлар даражаларининг оғриқ интенсивлиги ва психоэмоционал бузилиш даражалари билан нейроваскуляр дисфункция ва яллиғланиш медиаторлари орқали асаб тўқимаси ҳаддан ташқари кўзгалувчанлиги билан боғлиқ корреляцияси аниқланган;

тригеминал невралгия билан оғриган беморларнинг клиник ва психоэмоционал бузилиш ҳолатларини баҳолашда биомаркер кўрсаткичлар асосида оғриқ синдроми, руҳий ҳолат ва қон биокимёвий ўзгаришларининг ўзаро боғланиши инobatга олинган индивидуал диагностик мезон ишлаб чиқилган;

тригеминал невралгия билан оғриган беморларда паст интенсивликдаги лазеротерапия қўлланилиб, унинг анъанавий медикаментоз усулларга қўшимча равишда оғриқ интенсивлигини сезиларли камайтириши, психоэмоционал кўрсаткичларга (HADS, STAI) ижобий таъсири ва ремиссия муддатини узайтириши клиник-статистик жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тригеминал невралгия билан оғриган беморлар учун клиник, психоэмоционал ва биомаркер кўрсаткичларни комплекс баҳолашга асосланган индивидуал диагностик алгоритмни ишлаб чиқилган;

тригеминал невралгия билан оғриган беморларда яллиғланиш жараёнларини кузатиш, уларнинг оғриқ синдроми интенсивлиги ва психоэмоционал бузилишлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш мақсадида паст интенсивликдаги лазеротерапиянинг терапевтик самарадорлигини баҳолаш тавсия қилинган;

психоэмоционал ҳолатни инobatга олган интегратив ёндашувлар турмуш сифати ва терапевтик самарадорликни оширишга хизмат қилиб тиббиёт муассасаларида тригеминал невралгияни диагностика қилиш ва даволаш усуллари оптималлаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижалар ишончилиги тадқиқотлар замонавий клиник, инструментал, нейрпсихологик тадқиқот усулларида фойдаланилгани,

шунингдек, кўриб чиқилган беморлар сонининг етарли даражада бўлгани, тригеминал невралгия билан оғриган беморларда ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган ёндашувнинг самарали қўллангани, статистик таҳлил усулларидан унумли фойдаланилгани, олинган натижаларнинг хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан эришилган натижалар билан таққослангани, чиқарилган хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тригеминал невралгиянинг клиник, нейрофизиологик ва гемодинамик кўрсаткичлари билан психо-эмоционал бузилишлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш орқали, ушбу касаллик патогенезини кенгроқ тушуниш ва комплекс ёндашув асосида даволаш стратегияларини оптималлаштириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тригеминал невралгияли беморларда комплекс клиник, психоэмоционал ва лаборатор кўрсаткичлар таҳлили асосида ишлаб чиқилган индивидуал клиник-психоэмоционал ва биомаркер профили асосида диагностик алгоритм амалиётда беморларнинг ҳолатини тўғри баҳолаш, даволаш тактикасини шахсийлаштириш ва терапевтик самарадорликни ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши. Тригеминал невралгия билан касалланган беморларда психо-эмоционал бузилишларни олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: клиник, психометрик ва лаборатор таҳлиллар асосида тригеминал невралгия билан оғриган беморларда психоэмоционал ҳолатнинг оғриқ синдроми билан марказий ноцицептив тизимдаги ўзгаришлар ва узок муддатли оғриқ эпизодлари келтириб чиқарадиган руҳий дезадаптация орқали корреляцион боғлиқлиги исботланганлиги бўйича таклифлар. Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси Марказий кўп тармоқли поликлиникаси стационар қисмида (23.07.2024 йил, 26-сонли буйруқ), шу жумладан ТДСИ клиникаси Юз – жағ жарроҳлиги бўлимида (24.07.2024 йил, 42-сонли буйруқ) клиник амалиётга жорий қилинган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/02-сонли хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* тригеминал невралгияли беморларда тўғри ташхис қўйиш, терапияни оптималлаштириш, шунингдек, кузатиловчи психо-эмоционал бузилишларнинг олдини олиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш борасида ижобий натижаларга эришилади Янги диагностика мезонларини жорий этиш орқали нейростоматологиянинг ривожланишига эришилади, бу эса даволаш самарадорлигини оширади. *Иқтисодий самарадорлик:* тадқиқот натижаларига кўра, тригеминал невралгияларни эрта ташхислаш ва даволаш учун таклиф этилган усулларидан фойдаланиш такрорий кўриклар, касалхонага ётқизиш, даволаш харажатларини асоратлар частотасини камайтириш ҳисобига камайтиришга ёрдам бериши аниқланди. Тригеминал невралгияларни ташхислаш усулларини амалиётда қўллаш соғлиқни сақлаш тизими учун иқтисодий самарадорлик ўртача 2 360 сўм, жами 114 бемор ҳисобида 269 000 сўмга етиши мумкинлигини кўрсатди. *Хулоса:* тригеминал

невралгияларда психо-эмоционал бузулишларни диагностика мезонларини жорий этиш ва даволашни оптималлаштириш жами 114 бемор ҳисобида 269 000 сўм тежашга имкон берди;

иккинчи илмий янгилик: тригеминал невралгия билан оғриган беморлар гуруҳида яллиғланиш билан боғлиқ биокимёвий биомаркерлар даражаларининг оғриқ интенсивлиги ва психоэмоционал бузилиш даражалари билан нейроваскуляр дисфункция ва яллиғланиш медиаторлари орқали асаб тўқимаси ҳаддан ташқари кўзғалувчанлиги билан боғлиқ корреляцияси аниқланганлиги бўйича таклифлар Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси Марказий кўп тармоқли поликлиникаси стационар қисмида (23.07.2024 йил, 26-сонли буйруқ), шу жумладан ТДСИ клиникаси Юз – жағ жарроҳлиги бўлимида (24.07.2024 йил, 42-сонли буйруқ) клиник амалиётга жорий қилинган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/02-сонли хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Тригеминал невралгияга учраган беморларда психо-эмоционал бузилишнинг юқори частотаси оғриқ интенсивлиги ва нерв тўқимасининг шикастланиши беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларини пасайишига олиб келади. *Иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари амбулатор даволаш харажатларини оптималлаштиришга имкон берди. Ҳар бир бемор учун ўртача 2 360 сўм, жами 114 бемор ҳисобида 269 000 сўм миқдорида иқтисодий тежамкорликка эришилди. *Хулоса:* тригеминал невралгия ривожланишига ҳисса қўшувчи коморбид омилларни аниқлаш, қон-томир девори қалинлигини ўрганиш орқали ва мия биоритмларига таъсирини таҳлил қилиб, даво чораларини қўллаш ҳар бир бемор учун ўртача 2 360 сўм тежаш имконини туғдирди;

учинчи илмий янгилик: тригеминал невралгия билан оғриган беморларнинг клиник ва психоэмоционал бузилиш ҳолатларини баҳолашда биомаркер кўрсаткичлар асосида оғриқ синдроми, руҳий ҳолат ва қон биокимёвий ўзгаришларининг ўзаро боғланиши инobatга олинган индивидуал диагностик мезон ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси Марказий кўп тармоқли поликлиникаси стационар қисмида (23.07.2024 йил, 26-сонли буйруқ), шу жумладан ТДСИ клиникаси Юз – жағ жарроҳлиги бўлимида (24.07.2024 йил, 42-сонли буйруқ) клиник амалиётга жорий қилинган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/02-сонли хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Қон томир деворининг ҳолати ва оғриқ интенсивлиги ва касалликнинг кечиши мия биоритмларига таъсир кўрсатиши, беморлар шифокор кўрикларига қатнаш ва амбулатор ва стационар даволаниш курсларини камайтириш учун таклиф этилган даволаш усуллари самарали эканлиги асосланди. *Иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари амбулатор даволаш харажатларини оптималлаштиришга имкон берди. Ҳар бир бемор учун ўртача 2 360 сўм, жами 114 бемор ҳисобида 269 000 сўм миқдорида иқтисодий тежамкорликка эришилди. *Хулоса:* тригеминал невралгия патогенезида аҳамиятли бўлган цитокинлар қатори

ўзгаришларини таҳлил қилган ҳолда даво чораларини қўллаш натижасида 114 бемор ҳисобида 269 000 сўм тежаб қолинди;

тўртинчи илмий янгилик: тригеминал невралгия билан оғриган беморларда паст интенсивликдаги лазеротерапия қўлланилиб, унинг анъанавий медикаментоз усулларга қўшимча равишда оғриқ интенсивлигини сезиларли камайтириши, психоэмоционал кўрсаткичларга (HADS, STAI) ижобий таъсири ва ремиссия муддатини узайтириши клиник-статистик жиҳатдан асосланганлиги бўйича таклифлар Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси Марказий кўп тармоқли поликлиникаси стационар қисмида (23.07.2024 йил, 26-сонли буйруқ), шу жумладан ТДСИ клиникаси Юз – жағ жарроҳлиги бўлимида (24.07.2024 йил, 42-сонли буйруқ) клиник амалиётга жорий қилинган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/02-сонли хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Тригеминал невралгия ривожланиш патогенезида яллиғланишга қарши цитокинларнинг ўрни, уларнинг башоратловчи мезонлиги тригеминал невралгияларни эрта ташхислаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари тригеминал невралгияга эрта ташхис қўйиш имконини берди. Ҳар бир бемор учун ўртача 2 360 сўм, жами 114 бемор ҳисобида 269 000 сўм миқдорида иқтисодий тежамкорликка эришилди. *Хулоса:* периферик типдаги тригеминал невралгияларни даволашда ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари ҳамда лазеротерапияни қўллаш натижасида ҳар бир бемор учун ўртача 2 360 сўм, жами 114 бемор ҳисобида 269 000 сўм тежашга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Олий аттестация комиссиясининг докторлик Диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика, 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тригеминал невралгия муаммосининг долзарблиги, касалликнинг патогенетик механизмлари, оғриқ синдромининг психоэмоционал ҳолатга таъсири, мавжуд даволаш усуллариининг самарадорлиги ва илмий тадқиқотнинг мақсад ҳамда вазифалари келтирилган. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган неврология ва психиатрия соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос келади.

Диссертациянинг **“Уч шохли нерв невралгияси патогенези, диагностикаси ва даволаш ҳақида замонавий қарашлар (Адабиётлар**

таҳлили)” деб номланган биринчи бобида тригеминал невралгиянинг этиологияси, патогенез механизми, клиник таснифи, ташхис қўйиш мезонлари ва замонавий даволаш усуллари ҳақидаги илмий манбалар таҳлил қилинган. Бобда ташхис қўйишда клиник мезонлар билан бир қаторда, нейровизуализация ва нейрофизиологик текширув усулларининг аҳамияти, шу жумладан, МРТ, ЭЭГ ва ЭНМГ каби инструментал таҳлиллар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Консерватив ва хирургик даво усуллари, карбамазепин, габапентин ва лазеротерапия каби даволаш стратегиялари бўйича турли муаллифларнинг қарашлари солиштирма таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тригеминал невралгияли беморларда тадқиқотнинг материал ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида клиник тадқиқотнинг дизайни, унда иштирок этган беморларнинг танланиши, уларнинг ёш ва жинс бўйича тақсимоти, текширув мезонлари ҳамда тадқиқотда қўлланган методлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Клиник тадқиқот 2021–2023 йиллар давомида Тошкент давлат стоматология институти ҳамда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиник шифохонаси базасида амалга оширилди. Тадқиқотда иштирок этган барча беморлар этик экспертиза хулосаси ва ёзма розилик асосида танлаб олинди. Тадқиқот доирасида тригеминал невралгия ташхиси билан мурожаат қилган жами 114 нафар бемор клиник, инструментал ва психологик баҳолаш усуллари орқали текширувдан ўтказилди, ўртача ёш $57,1 \pm 1,33$ ёшни ташкил этди. Жинс бўйича тақсимотга кўра, аёллар сони 64%, эркаклар сони эса 36% ни ташкил қилди. Тадқиқот натижалари клиник босқичлар ва жинс кесимида таҳлил қилинди. Тадқиқотда иштирок этган беморлар ёшига кўра таҳлил қилиниб, уларнинг тақсимоти 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Текширилган беморларнинг ёш ва жинсий бўйича тақсимланиши

Ёши	1-гурух (n=13)				2-гурух(n=29)				3-гурух(n=72)			
	Эркаклар		Аёллар		Эркаклар		Аёллар		Эркаклар		Аёллар	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	Абс	%
Ўрта ёшдагилар 45-59 ёш	3	23%	8	62%	6	21%	10	34%	14	19%	20	28%
Қарилар 60-74 ёш	0	0	1	8%	2	7%	9	31%	12	17%	16	22%
Кексалар 75-90 ёш	0	0	1	8%	0	0	2	7%	4	6%	6	9%
Жами	3	23%	10	77%	8	28%	21	72%	30	42%	42	58%

Тадқиқот доирасида иштирок этган 114 нафар бемор клиник кечиш босқичига қараб учта гуруҳга ажратилди: бошланғич (1-гурух, n=13), фаол (2-гурух, n=29) ва сурункали (3-гурух, n=72).

Шунингдек, тадқиқотда қўлланган клиник, неврологик, психометрик, лаборатор ва инструментал текширув усуллари — хусусан, визуал аналог шкаласи (ВАШ), HADS, STAI, BDI, ЭЭГ, ЭНМГ, МРТ ва цитокинларни таҳлил қилиш каби усуллар батафсил баён этилган. Биомаркерлар, жумладан,

эндотелин-1, IL-1 β , IL-8 ва TNF- α даражаларини баҳолаш орқали нейроваскуляр ва яллиғланиш ҳолатлари ҳам кўриб чиқилган. Бобнинг якунида эса қўлланилган статистик таҳлил усуллари ва уларнинг қийматларини баҳолаш мезонлари келтирилган. Статистик таҳлил жараёнида нормал ва нонпараметрик критерийлардан фойдаланилган бўлиб, натижаларнинг ишончилиги таъминланган. Ҳар бир кўрсаткич $p \leq 0.05$ даражасида баҳоланган.

Диссертациянинг “**Тригеминал невралгияли беморларда шахсий текширув натижалари**” деб номланган учинчи бобида 114 нафар беморда олиб борилган клиник, неврологик, психоэмоционал, инструментал ва лаборатор текширув натижалари чуқур таҳлил қилинган. Ушбу бобда тадқиқотнинг асосий эмпирик маълумотлари баён этилиб, беморларнинг умумий ҳолати, оғриқ синдроми, психоэмоционал ўзгаришлари ва биомаркер кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар аниқланган.

Беморларда тригеминал невралгиянинг оғриқ хуружлари, уларнинг давомийлиги, кунлик частотаси ва оғриқни кўзғатувчи триггер омиллар баҳоланди. Тадқиқот натижаларига кўра, оғриқ хуружлари сурункали босқичда узокроқ давом этган (ўртача $33,5 \pm 27,4$ дақиқа), бошланғич босқичда эса қисқа бўлган ($17,5 \pm 12,1$ дақиқа) (2-жадвал).

2-жадвал


Тригеминал невралгия билан оғриган беморларнинг клиник ва демографик кўрсаткичлари (гурӯҳлар бўйича таққослама таҳлил, ўртача $\pm \sigma$)

Ўлчов бирлиги	1-гурӯҳ (n=13)	2-гурӯҳ (n=29)	3-гурӯҳ (n=72)
Ўртача ёши	$32,8 \pm 9,7$	$60,3 \pm 10,6$	$65,3 \pm 14,6$
Бўйи, см	$163,4 \pm 7,3$	$167,4 \pm 9,7$	$168,4 \pm 10,7$
Вазни, кг	$68,6 \pm 7,2$	$69,6 \pm 8,2$	$77,9 \pm 11,6$
Оғриқ пароксизми давомийлиги (дақиқа)	$17,5 \pm 12,1$	$23,5 \pm 17,4$	$33,5 \pm 27,4$
Бир кунда кузатиладиган хуружлар частотаси	$11,3 \pm 4,8$	$8 \pm 3,9$	$6 \pm 2,9$
Клиник симптомлар пайдо бўлувчи ёш	$33,4 \pm 7,3$	$60,2 \pm 12,4$	$60,2 \pm 12,4$
Биринчи муружаат вақти	$33,4 \pm 7,3$	$60,2 \pm 12,4$	$60,2 \pm 12,4$
Тадқиқотгача кузатилган хуружлар давомийлиги (йил)	$33,4 \pm 7,3$	$60,2 \pm 12,4$	$60,2 \pm 12,4$
Тадқиқотгача кузатилган хуружлар давомийлиги	$1,1 \pm 0,8$	$3,4 \pm 1,6$	$6,4 \pm 3,6$

Кунлик хуружлар сони бошланғич босқичда кўпроқ ($11,3 \pm 4,8$ марта), сурункали босқичда эса камайган ($6 \pm 2,9$ марта).

Беморларда тригеминал нервнинг алоҳида ёки бир вақтда бир нечта тармоқлари зарарланган ҳолатлари куйидаги тарзда тақсимланган. 2–3 тармоқнинг биргаликда зарарланиши энг кўп учрайдиган ҳолат бўлиб, 42,5% ни ташкил этган. Бу ҳолатда беморда ҳам maxillaris (II), ҳам mandibularis (III) шохлар таъсирланган бўлади. Оғриқни кўзғатадиган омиллар сифатида ютиниш,

тиш тозалаш, юзга тегиниш, совуқ таъсири ва шамол каби омиллар қайд этилган (1-расм).



1-расм. Уч шохли нерв тармоқларнинг зарарланиш частотаси

Тригеминал невралгия билан оғриган беморларда оғриқ даражасини баҳолаш учун визуал аналог шкалалари (ВАШ) қўлланилди. Тадқиқотда ВАШнинг икки тури — вербал баҳо шкаласи ва мимик шкаласи орқали гуруҳлар кесимидаги натижалар ўрганилди. Вербал баҳо шкаласи бўйича натижалар қуйидагича аниқланди: бошланғич босқичдаги беморларда оғриқнинг ўртача балли $2,99 \pm 0,64$, фаол босқичдаги беморларда $2,98 \pm 0,62$ ва сурункали босқичдаги беморларда $2,46 \pm 0,61$ ни ташкил этди. Мимик шкалада эса оғриқ даражаси бошланғич босқичда ўртача $8,0 \pm 1,99$, фаол босқичда $7,6 \pm 1,89$ ва сурункали босқичда $5,84 \pm 1,8$ балл деб баҳоланди. Олинган натижаларга кўра, сурункали босқичдаги беморларда оғриқ даражаси бошқа гуруҳларга нисбатан пастроқ бўлган. Бу ҳолат узок давом этган касаллик шароитида беморнинг оғриққа нисбатан индивидуал мослашувини ва марказий ноцицептив тизимдаги ўзгаришларни акс эттириши мумкин. 3-жадвалда шкала ва сўровномалар бўйича тадқиқот гуруҳларининг натижалари келтирилган.

3-жадвал

Тадқиқот гуруҳларининг ВАШ бўйича кўрсаткичлари.

Сўровнома ва шкала	1- гуруҳ	2- гуруҳ	3- гуруҳ
ВАШ (вербал баҳо шкаласи)	$2,99 \pm 0,64$	$2,98 \pm 0,62$	$2,46 \pm 0,61$
ВАШ (оғриқнинг мимик шкаласи)	$8,0 \pm 1,99$	$7,6 \pm 1,89$	$5,84 \pm 1,8$

Изоҳ: Ишончлилик даражаси (p) $< 0,05$

Беморларнинг руҳий ҳолати HADS (Hospital Anxiety and Depression Scale), STAI (State-Trait Anxiety Inventory) ва BDI (Beck Depression Inventory) шкалалари орқали баҳоланди. HADS шкаласи бўйича натижалар шуни кўрсатадики, тригеминал невралгия билан оғриган беморларда хавотир (HADS-A) ва

депрессия (HADS-D) даражалари беморнинг касаллик босқичига муносиб равишда ошиб боради (4-жадвал).

4-жадвал

Тригеминал невралгия бўйича HADS натижалари (гуруҳлар кесимида)

Гуруҳ	HADS-A (Хавотир)	HADS-D (Депрессия)
1-гуруҳ (бошланғич)	7,2 ± 1,5	7,8 ± 1,6
2-гуруҳ (фаол)	9,5 ± 1,8	10,2 ± 2,0
3-гуруҳ (сурункали)	11,6 ± 2,1	12,4 ± 2,3

Энг юқори кўрсаткичлар сурункали босқичда кузатилди, бу гуруҳда HADS-A 11,6±2,1 ва HADS-D 12,4±2,3 баллни ташкил этди. Бу натижалар HADSнинг белгиланган клиник меъёрларига кўра, аниқ хавотир ва депрессия ҳолатларини англатади.

STAI шкаласи натижалари тригеминал невралгия билан оғриган беморларда хавотир даражасини икки йўналишда — вақтинчалик (STAI-S) ва шахсий хусусият сифатидаги (STAI-T) хавотир нуқтаи назаридан баҳолашга имконият яратади. STAI-S шахсинг текширув пайтидаги (ҳозирги вақтдаги) хавотир даражасини кўрсатса, STAI-T эса умумий характердаги, шахсинг индивидуал қобилияти сифатида шаклланган хавотирга мойилликни баҳолайди. Ҳар икки кўрсаткич ҳам аҳамиятли психологик ҳолатлар ҳақида маълумот беради (5-жадвал).


5-жадвал

Тригеминал невралгия бўйича STAI натижалари

Гуруҳ	STAI-S (вақтинчалик)	STAI-T (шахсий)
1-гуруҳ (бошланғич)	38,7 ± 5,3	36,9 ± 4,8
2-гуруҳ (фаол)	45,5 ± 6,1	42,7 ± 5,5
3-гуруҳ (сурункали)	52,3 ± 6,8	49,6 ± 6,0

Сурункали босқичдаги беморларда STAI шкаласи бўйича хавотир даражаси юқори бўлган. Аниқроқ айтганда, вақтинчалик хавотир (STAI-S) 52,3±6,8 баллни, шахсий хавотир (STAI-T) эса 49,6±6,0 баллни ташкил этган.

Тадқиқотимизда беморларнинг депрессия даражасини баҳолаш мақсадида Аарон Бек томонидан ишлаб чиқилган Бек депрессия шкаласи (Beck Depression Inventory — BDI)дан фойдаланилди. Ушбу психометрик асбоб депрессия белгиларининг кучайиш даражасини аниқлаш учун ишончли ва валидлаштирилган ўлчов воситаси ҳисобланади. Тест 21 та пунктдан иборат бўлиб, ҳар бир пункт 0 дан 3 гача бўлган балл тизимида баҳоланади. Умумий балл 0–63 оралиғида бўлиб, паст балллар енгил симптомлар, юқори балллар эса оғир депрессия ҳолатини акс эттиради. 2-расмда Тадқиқот доирасида Бек депрессия шкаласи асосида беморларнинг ҳолати баҳоланди.



2-расм. Бек депрессия шкаласи натижалари

Биринчи гуруҳда енгил даражадаги депрессия (10–15 балл) 2 нафар беморда (15%), иккинчи гуруҳда эса бу кўрсаткич 4 нафар беморни (13.7%), учинчи гуруҳда эса 12 нафар бемор (16.6%) ни ташкил этди. Ўртача даражадаги депрессия (16–19 балл) эса биринчи гуруҳда 8 нафар (61%), иккинчи гуруҳда эса 6 нафар беморда (20%) ва учинчи гуруҳда 20 нафар бемор (27.7%) да кузатилди.

Корреляцион таҳлил учун Пирсон корреляция коэффиценти (r) ҳисобланди. r қиймати 0,1–0,3 орасида бўлса — кучсиз, 0,3–0,5 — ўртача, 0,5 ва ундан юқори — кучли боғлиқлик деб ҳисобланади. $p < 0,05$ даражасидаги натижалар эса статистик жиҳатдан аҳамиятли деб баҳоланади (6-жадвал).

6-жадвал

ВАШ ва психоэмоционал кўрсаткичлар ўртасида корреляция

Қиёсланаётган кўрсаткичлар	Пирсон r	p -қиймат	Изоҳ
ВАШ (вербал) — HADS-A	$r = 0,58$	$<0,01$	Кучли мусбат боғлиқлик
ВАШ (вербал) — HADS-D	$r = 0,61$	$<0,01$	Кучли мусбат боғлиқлик
ВАШ (мимик) — BDI	$r = 0,49$	$<0,05$	Ўртача мусбат боғлиқлик
ВАШ (вербал) — STAI-S	$r = 0,54$	$<0,05$	Кучли боғлиқлик
ВАШ (вербал) — STAI-T	$r = 0,46$	$<0,05$	Ўртача боғлиқлик

Изоҳ: Корреляция Спирменнинг ранг корреляция коэффиценти (Spearman's rho) орқали ҳисобланган. $p = 0,00$ даражасидаги натижа статистик жиҳатдан **аҳамиятли** ($p < 0,05$) ҳисобланади.

Юқоридаги жадвалда кўриниб турибдики, оғриқ даражаси ва психоэмоционал ҳолат ўртасида сезиларли боғлиқлик мавжуд. Вербал ВАШ билан HADS-A (хавотир) ва HADS-D (депрессия) ўртасидаги юқори корреляция ($r = 0,58$ ва $r = 0,61$) шундан далолат берадики, оғриқ кучайган сари беморларда хавотир ва депрессив ҳолатлар ҳам ортиб боради. Бу боғлиқлик клиник жиҳатдан муҳим бўлиб, оғриқ фақат жисмоний жиҳатдан эмас, балки руҳий жиҳатдан ҳам беморга таъсир ўтказаетганини кўрсатади. Бек депрессия индекси (BDI) билан

мимик ВАШ ўртасидаги корреляция $r = 0,49$ бўлиб, ўртача мусбат боғлиқликни англатади. Бу эса юз ифодалари орқали баҳоланган оғриқ даражаси ҳам беморнинг рухий ҳолатига таъсир қилаётганини тасдиқлайди. STAI шкаллари билан ВАШ ўртасидаги боғлиқлик ҳам аҳамиятли бўлиб, вақтинчалик хавотир (STAI-S) билан $r = 0,54$ ва шахсий хусусият сифатидаги хавотир (STAI-T) билан $r = 0,46$ бўлиб, бу ҳам оғриқ хуружлари хавотир даражасига қандай таъсир қилишини кўрсатади.

Тригеминал невралгияда вегетатив симптомларни баҳолаш шкаласи орқали тадқиқотимизда иштирок этган беморларда вегетатив аломатларни 0-18 балли тизимда баҳолаб чиқдик. Биринчи гуруҳда енгил минимал вегетатив симптомлар (0–3 балл) 2 нафар беморда (15%) аниқланди, иккинчи гуруҳда эса бу кўрсаткич 5 нафар беморни (17%) ва сурункали босқичдаги учинчи гуруҳда 12 нафар (16.6%) ни ташкил этди. Ўртача вегетатив симптомлар (4–9 балл) эса ўткир босқичда гуруҳда 4 нафар (31%), ўткир ости босқичи гуруҳда эса 6 нафар беморда (20%), сурункали босқичдаги учинчи гуруҳда эса 20 нафар (28%) да кузатув ва/ёки терапияни тузатишни талаб қиладиган оғир вегетатив бузилишлар эса биринчи гуруҳимизда 7 нафар беморда (53%), иккинчи гуруҳда 18 нафар бемор (62%) ҳамда учинчи гуруҳ вакилларида 40 нафар (56%) беморларда кузатилди.

71 нафар беморда ЭЭГ текширувлари ўтказилиб, хуруж ва ремиссия давридаги ритмик ўзгаришлар таҳлил қилинди. Хуруж пайтида десинхрон ритм (45%), пароксизмал активлик (24%) қайд этилган бўлиб, ремиссияда бу кўрсаткичлар сезиларли даражада камайган. Бу мия фаолиятидаги функционал ўзгаришларнинг оғриқ хуружлари билан боғлиқлигини кўрсатади. ЭЭГ турлари ва беморлар орасидаги тақсимот ҳақидаги тўлиқ маълумотлар 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Уч шохли нерв невралгиясининг хуруж ва ремиссия даврида ЭЭГдаги ўзгаришлар

Ритмлар	Хуруж даври n-71		Ремиссия даври n-71		p <
	n	%	n	%	
Норма	22	31 ± 5,5	38	53,5 ± 5,9	0,01
Десинхронли	32	45 ± 5,9	27	38 ± 5,7	0,05
Билатерал пароксизмал активлик	17	24 ± 5,0	6	8,5 ± 3,3	0,01
Жами:	71		71		

Изоҳ: p < 0,05 — фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли.

Хуруж даврида билатерал пароксизмал активлик 24% беморда, десинхрон ЭЭГ тури эса 45% беморда қайд этилди. Ремиссия даврида ушбу кўрсаткичлар мос равишда 8,8% ва 38% гача пасайгани кузатилди, бу эса патологик нейрофизиологик ўзгаришларнинг барқарор камайишини кўрсатади.

ЭНМГда V жуфт асаб шохларининг латентлик вақтида узайиш ва амплитудада пасайиш кузатилган. Бу асаб импульсларининг узатилишидаги бузилишларни, демиелинизация жараёнлари ёки функционал блокни кўрсатади.

Биохимик таҳлилларда эндотелин-1 (ЕТ-1) ва яллиғланиш цитокинлари (IL-1 β , IL-8, TNF- α) даражалари ўлчанди. Беморларда эндотелин-1 даражаси меъёрдан юқори (ўртача $0,95 \pm 0,19$ фмоль/мл) экани аниқланди. Бу ҳолат эндотелиал дисфункция ва қон томирлар қувватининг пасайиши билан боғлиқ эканини кўрсатди. Гуруҳлар кесимидаги аниқланган қийматлар қуйидаги жадвалда келтирилган (8-жадвал).

8-жадвал

ТН бўлган беморларда цитокинлар даражаси (даволашдан олдин, пг/мл)

Цитокинлар	Таққослаш гуруҳи (M \pm m)	1-гуруҳ (M \pm m)	2-гуруҳ (M \pm m)	3-гуруҳ (M \pm m)
IL-1 β	$3,69 \pm 0,18$	$3,13 \pm 0,20$	$2,90 \pm 0,19$	$3,43 \pm 0,25$
IL-8	$12,61 \pm 0,57$	$13,70 \pm 0,90$	$14,15 \pm 0,64$	$14,85 \pm 1,63$
TNF- α	$5,239 \pm 0,258$	$5,15 \pm 0,29$	$5,07 \pm 0,30$	$4,40 \pm 0,69$

Жадвал маълумотларига кўра, барча цитокинлар меъёрий чегаралар доирасида бўлган, бу эса даволашдан олдин беморларда кучли яллиғланиш реакцияси мавжуд эмаслигини кўрсатади. IL-1 β даражаси энг юқори таққослаш гуруҳида ($3,69 \pm 0,18$ пг/мл) аниқланган бўлиб, 2-гуруҳда бу кўрсаткич $2,90 \pm 0,19$ пг/мл ни ташкил этган. Бу фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли, айниқса иккинчи гуруҳдаги қўшимча қиймат ($3,43 \pm 0,25$ пг/мл) билан таққослаганда. IL-8 даражаси барча гуруҳларда меъёрдан анча паст бўлиб, энг юқори қиймат иккинчи гуруҳнинг қўшимча натижасида кузатилди ($14,85 \pm 1,63$ пг/мл). Бу ҳолат касаллик даражаси ва яллиғланиш жараёни ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади. TNF- α кўрсаткичлари ҳам барқарор бўлиб, 5 пг/мл атрофида бўлган. Иккинчи гуруҳдаги қўшимча қиймат ($4,40 \pm 0,69$ пг/мл) нисбатан паст бўлса-да, меъёр доирасида сақланган. Бундай ҳолатлар, айниқса даволашнинг самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади, чунки бошланғич цитокин даражалари организмдаги яллиғланиш фонидаги ўзгаришларни баҳолашда асос бўлади. Хулоса сифатида, изоляцияланган классик тригеминал невралгия ташхиси қўйилган беморларда даволашдан олдин аниқланган цитокин даражалари нормал диапазон доирасида бўлган.

Учинчи бобда келтирилган шахсий текширув натижалари тригеминал невралгиянинг кўп қиррали ва комплекс характерга эга эканини тасдиқлайди. Оғриқ синдроми, психоэмоционал ўзгаришлар, вегетатив бузилишлар ва нейрофизиологик кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ ҳолда кечиши, ушбу касалликни фақат симптоматик эмас, балки патогенетик ва психоэмоционал ёндашув асосида даволаш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Тригеминал невралгияларда даволаш самарадорлигини ошириш**” тригеминал невралгия билан оғриган беморларда қўлланилган турли даволаш усуллари самарадорлиги, уларнинг клиник,

психоэмоционал ва биомаркер кўрсаткичларга таъсири чуқур таҳлил қилинган. Бобнинг мақсади — анъанавий ва замонавий (лазеротерапия) терапияларнинг солиштирма таҳлили асосида индивидуаллаштирилган ва комплекс даво тактикасини белгилашдан иборат.

Даволаш схемалари ва беморлар гуруҳлари

Беморлар икки асосий гуруҳга ажратилган:

- Биринчи гуруҳ (n=60): Анъанавий терапия (антидепрессантлар, ностероид яллиғланишга қарши воситалар – НЯҚДВ);

- Иккинчи гуруҳ (n=54): Комплекс терапия (анъанавий усуллар + паст интенсивликдаги лазеротерапия).

Ҳар икки гуруҳда ҳам оғриқ даражаси, ремиссия муддати, психоэмоционал ҳолат ва лаборатор биомаркерлар баҳоланган.

Тадқиқотнинг бошида ҳар бир беморда оғриқ даражаси аниқланган, кейин эса медикаментоз ва физиотерапевтик муолажалардан сўнг такроран баҳолаш ўтказилган. Қуйида ҳар икки гуруҳдаги беморларда ВАШ шкаласи орқали баҳоланган оғриқ даражалари таққослама жадвалда келтирилган (9-жадвал).

9-жадвал

ВАШ шкаласи бўйича оғриқ балларининг динамикаси (ўртача ± σ)

Гуруҳлар	Терапиягача ВАШ (балл)	Терапиядан сўнг ВАШ (балл)	Δ (фарқ)	Камайиш фоизи (%)
1-гуруҳ (анъанавий терапия)	7,2 ± 1,5	4,6 ± 1,2	-2,6	36,1%
2-гуруҳ (лазеротерапия + АД)	7,4 ± 1,4	3,1 ± 1,0	-4,3	58,1%

Изоҳ: АД — антидепрессант; Δ — оғриқ даражасидаги фарқ (бошланғич ва якун баллари орасида); $p < 0,05$ — фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли.

Натижалар шуни кўрсатадики, ҳар иккала гуруҳда ҳам оғриқ даражаси камайиши қайд этилган бўлса-да, иккинчи гуруҳда (лазеротерапия қўлланган) бу камайиш янада сезиларли ва статистик жиҳатдан ишончли бўлган. Бу эса, тригеминал невралгия билан оғриган беморларда анъанавий терапияни физиотерапевтик усуллар билан тўлдириш орқали терапевтик самарани ошириш мумкинлигини кўрсатади.

ЭТ-1 даражасининг даволашдан кейин тушиши терапевтик самарадорликнинг биокимёвий кўрсаткичи сифатида баҳоланади.

Тадқиқотда иштирок этган беморлар гуруҳида даво олдинги ва даводан кейинги ЭТ-1 даражалари қуйидагича кузатилди (10-жадвал).

10-жадвал

